ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1359-1363

АУРОБИНДО ГХОШНИНГ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Лочин Азаматович Валиев
Тошкент давлат транспорт университети ассистенти
valiyevl33@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада асосан файласуфнинг таълим тарбия ҳақидаги қарашлари акс этган. Бундан ташқари файласуф миллий озодлик курашида таълимнинг ўрни юқори эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган. Гхошнинг фикрича: бизнинг пролетариятимиз (камбағал ва деҳқонлар) очлик ва қоронғуликка ботган. У мустақилликка эришиш йўлида хатто “олов ва қон билан” харакат қилиш керак деган. Гхош ўлимидан олдин ўзининг тўрта хаётий орзусини эълон қилган. Билмоқ учун биз ўз ичимизга кириб, ички мушохадага берилишимиз керак. Гхош фикрича, инсон “Коинотнинг синтези”, яъни инсон кичик кўринишдаги коинотдир. Ўсимликларга хос хаётий куч, хайвонотларга хос сезиш ва хохиш, олий хайвонга хос оддий интелект инсонга хам тааллуқлидир.

Калит сўзлар: Миллий озодлик, монастирлик, пролетарият, Веда, Упанишада, Йога, эволюция, абстракт, метафизика, Апарада, Брахман, Ананда, нурланган ақл, ритм, материалистик, рационал, борлиқ, атман, реаллик, интуитция.

ABSTRACT

According to Gxosh, our proletariat (poor and peasants) is drowning in hunger and darkness. He said that even "fire and blood" should be used to achieve independence. Before his death, Ghosh announced his four life dreams. To know, we need to look inside ourselves and succumb to inner contemplation. According to Ghosh, man is the "Synthesis of the universe," that is, man is a small universe. The life force of plants, the feelings and desires of animals, the simple intellect of the higher animals are also characteristic of man.

Keywords: National liberation, monasticism, proletariat, Veda, Uphanishad, Yogy, evolution, abstract, metaphysics, Aparada, Brahman, ananda, emit mind, norm, materialistic, rational, world, atman, real, aesthetics.

КИРИШ

Ауробиндо Гхош (1872-1950) нинг шахси ва ижоди XX аср иккинчи ярмидан то ҳозирга қадар дунёнинг хилма хил мамлакатлари тадқиқотчилари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1359-1363

диққатини ўзига тортиб келмоқда. Унинг ижоди эндиликда Патанджали, Шанкара, Платон, Плотин, Маркс, Ницше, Бергсон, Тейяр де Шарден, Хайдеггер, Юнг, Уайтхед каби машҳур шахслар ижоди билан қиёсда баҳоланмоқда. Шри Ауробиндо ўз асарларида Платон, Брэдли ва Бергсон ғояларига ҳамфикрлик билдирган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ғарбда Ж.Гербер унинг шогирди ва издоши бўлган. Унинг ижодига даставвал қутбий қарама - қарши қарашлар шаклланган эди – баъзи тадқиқотчилар унинг матнларида XX аср фалсафасининг энг юқори парвозини кўрган бўлсалар, бошқалар (табиийки, ашаддий материализм, сциентизм, рационализм намояндалари) уларда бемаъно, интуитив тушунчалар қалашмасини кўрдилар. Аммо Америкалик тадқиқотчи Питер Хиз(Peter Heehs)нинг бундан мустасно бўлди. Унинг объектив тадқиқотлари натижалари “Архивлар ва тадқиқотлар” номли махсус журналда Шри Ауробиндонинг кўпчиликка номаълум бўлиб келган ишларининг қисмлари ва кичик ҳажмдаги ишлари, унинг кундаликлари, хатлари, турли хужжатлар ва фотографиялар ва уларни тушунтирадиган изоҳлар нашр этилди. Шри Ауробиндонинг кундаликларида бу буюк зот авлиёлик мақомига кўтарилишда ўз бошидан кечирган мистик ҳолатлар босқичма босқич ёритилган. Шри Ауробиндо шахси ва ижодининг буюклиги совет даври олимлари ва файласуфларини бетараф қолдирмаган. Бу даврда унинг асарларига В. В. Бродов, В. С. Костюченко, Р. Б. Рыбаков, А. Д. Литман, И. П. Челышева кабилар асосан Ҳиндистон сиёсий мустақиллиги учун курашдаги (Шри Ауробиндо миллий озодлик курашининг раҳбарларидан бири бўлган 1905 – 1910 йиллардаги) фаолияти ҳамда у“Арья” номли фантсуз журналида (1910 – 1921) диний-фалсафий муаммоларни, онтология, ижтимоий фалсафа, эволюция ҳамда йога ҳақидаги ўз ғояларини ишлаб чиқиши муносабати билан эътибор қаратган ва кўпроқ материалистик нутаи назардан туриб танқидий муносабат билдирган эдилар.

Постсовет даврида эса Россияда Шри Ауробиндо ижодига қизиқиш ва унга объетив муносабат ривожлангани диққатга сазовор. Буни биз унинг ижодига бағишлаб ёзилган учта номзодлик: М.И.Казакованинг “Шри Ауробиндо Гхош фалсафасида инсон муаммоси” А. М. Шустованинг “Ауробиндо Гхош фалсафий - диний антропологияси” (М. 2000) ва А. Е. Величенконинг “Ауробиндо Гхошнинг диний-фалсафий қарашлари эволюцияси” (СПб., 1999) диссертациялари ваА.В.Величконинг “Олам ва одам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1359-1363

эволюцияси ҳақида Шри Ауробиндо таълимотининг реконструкцияси (категориал таҳлил асосида)" мавзусида ёзилган ва Санкт-Петербург давлат университетида 2005 й ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси мисолида кўрамиз. Бизда, Ўзбекистонда эса, афсуски, Шри Ауробиндо каби жаҳон миқёсидаги мутафаккир ижодини ўрганиш оддий талабалик курс ишлри ва битирув ишлари доирасидан ташқарига чиққанича йўқ. Биз мазкур ишимизда кўп муаммолар ечимида айнан Шри Ауробиндо қарашларига таянамиз. Чунки унинг қарашлари бизнинг ўз миллий маънавий қадриятларимизга, айниқса, тасаввуф фалсафасига мувофиқ келади, аниқроғи, у билан жуда уйғундир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугун дунёнинг кўплаб машҳур ҳамда етакчи компанияларида Ҳиндистон тизими маҳсули бўлган мутахассисларнинг ишлаётганини кўриш мумкин. Йилдан йилга Ҳиндистон олий билим юртларига ўқишга келаётган хорижлик талабалар сони ҳам ошиб боряпти. Буларнинг барчаси мамлакат таълим тизими мустаҳкам мавқе ва сифат кўрсаткичига эга эканлигини кўрсатади. Давлатни бундай кучли таълим тизимига эга бўлишига кўпгина файласуф ва сиёсатчи олимларнинг хизматлари беқиёсдир. Булардан Маҳатма Ганди, Бал Гангадхар Тилак, Робиндранат Тагор ҳамда Шри Ауробиндо Гхошлар ҳинд таълим тизимини шакллантиришда катта ҳисса қўшган. Файласуф фанда умумий илмий, фалсафий ва педагогик қарашларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим саналади. "У кенг оммавий илмий журналларда "Шри Ауробиндо" номи билан танилган. "Шри" - номи санскрит тилидан "Ҳурматга сазовор инсон" деган қарашларни беради. Аслида бу инсон ҳинд миллий таълим тизимини миллий рухда шакллантиришда жонбозлик кўрсатган буюк файласуфлардан биридир".

Унинг шахси ва ижоди XX аср иккинчи ярмидан то ҳозирга қадар дунёнинг хилма хил мамлакатлари тадқиқотчилари диққатини ўзига тортиб келмоқда. Замонасининг энг машҳур сиётчилари ва шоир ёзувчилари бўлмиш Маҳатма Ганди, Робиндранат Тагорлар билан замонавий ҳинд маданияти ва фалсафасини яратишда ўз ҳиссасини қўшган олимлардан биридир. "Гхош нафақат фалсафа, маданият ва сиёсий илмлар ривожига ҳисса қўшган балки таълим тарбия масаласида ҳам алоҳида эътибор қаратган файласуф ҳиболанади". У шунингдек шоир инқилобчи ва Ҳиндистон миллий озодлиги ҳаракатининг ташкилотчиси ҳамдир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1359-1363

“Кўпчилик файласуфни Интеграл Йога асосчиси деб билади, холбуки у ҳинд ҳалқининг диний қарашларидаги буюк алломалар қаторидан юқори ўрин эгаллаган”. Шуни алоҳида такидлаш керакки, Шри Ауробиндонинг танқидий қарашларида фикрлар адолатли баён этилади.

Файласуф очиқчасига радикал қарашлар эга ҳамда ўзининг шавқатсизлиги билан танилган жангари “Лал Бал Пал” гуруҳини қўллаб қувватлаган. Бу гуруҳ оммавий қотилликлар уюштириб инглиз колонияларига қарши чиққан. Шунинг учун ҳам файласуф ўзининг қайдномаларида уларни ёқлаб миллий озодлик қаҳрамонлар дея атаган. Гхошнинг илмий ижодий фаолиятини англо – саксон зулмига қарши ҳинд халқининг озодлик курашига қўшган ҳиссаси деб атасак мантиқан тўғри баҳоланади.

Ҳиндистондаги инқилобий тендинциялар бироз пасайгандан сўнг, Гхош ўзини миллий педагогик тизимни ривожлантиришга бағишлади. Миллий педагогик таълимни яратишда файласуф, 1 минг йилликда вужудга келган ҳиндуизим ва ҳинд Ведаларининг диний фалсафий илмларидан фойдаланди.

Ушбу тизим муқаддас Ведалар китобларида ҳамда брахманларнинг кўрсатмалири акс этган диний маросимлар, урф – одатлар ва анъаналар ўз ичига олган эди.

Гхош фалсафасида диний тушунча инсонга таъсир қиладиган ва шахс орқали намоён бўладиган, зарур булса, унинг тузулиши ва техналогиясини ўрганиш фалсафий матнини тушунишда герменевтик ҳаракат қилишга ёрдам беради.

Қадимги ҳиндулар ҳаётида катта бир боғлиқлик таълим ва ҳаётдир. Таълим улар учун ҳаётга тайёргарлик, ҳаёт эса чексиз таълим жараёнидир. Ҳиндистон таълим тизимининг ўзига хос хусусияти, таълим олиш узоқ муддатли мақсаднинг ҳосиласидир.

Олдинги таълим тизимида диний билимларни эгаллаш фақат юқори каста аъзолари: брахманлар ва кшатрийлар (жангчилар) эгаллашлари мумкин бўлган. “Илм беришни таъминлаш брахманлар томонидан амалга оширилган ва бу жараён ижтимоий пирамида сингари ташкил қилинган. Таълим тизимининг энг катта камчилиги унда кастачилик мавжудлиги ҳамда тизим бутун бир аҳолини қамраб олмаганида эди”. Ғарб таълим тизимини қабул қилган Гхош қадимги ҳинд таълимидаги чекловларни тушунган аммо шу билан бирга, ғарбтаълим тизимида учрамайдиган моделлар ҳамда афзалликлар кўплигини ҳам инкор этмаган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1359-1363

ХУЛОСА

Гхошнинг интеграл педагогика концепсиясида ҳиндларнинг энг қадимги анъаларига таянган мактаблар таълимнинг маънавий ахлоқий қоидаларини илм билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бу боғлиқлигини мураббий ёрдамида шаклланишини айтиб ўтган. “Бу концепсия ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб, инсонни брахмачария сингари ахлоқий тамоилларга риоя этиши, жисмоний шахватга берилмаслиги ҳамда ўзининг сўзлари ва ҳаракатлари устидан қатъий назорат қилишни назарда тутади”. Аслида анъавий таълимнинг мақсади бундай тушунилмас эди, биринчи навбатда дунёвий билимларни эгаллаган ҳолда, диний билимларни ривожлантириш, ҳамда инсон ахлоқий тарбиясини юксак даражага кўтаришдан иборат эди. Гхош ҳинд анъанавий мактабларининг ижобий томони шунда эдики, ўқитувчиларга илоҳий билим берувчилар сифатида қаралган. Талабалар уларга нисбатан ҳурмат – эҳтиромда бўлишиб, улар қуйидагича изоҳланадиган бўлишди. Биринчи навбатда, Ҳиндистон таълим тизимида шахснинг ўз “эго” си устидан назорат қилишга ўргатилди. Бунда таълимнинг бошланишида илоҳий билимлар орқали ўргатилади сўнг дунёвий билимларга ўтилади. Иккинчи навбатда ўқитувчи нафақат илм ўргатади, балки энг юксак маънавият эгаси сифатида қаралган.

REFERENCES

1. Ш.Қаҳҳорова Глобаллашув шароитида инсон ҳаёти маъноси. Т.2009.Б.62
2. Бродов В .В. Интегральная веданта Ауробиндо Гхоша // Общественно – политическая и общественная жизнь в Индии. М., 1962.
3. Мартынов Олег Вадимович, Бережнова Ольга Викторовна Педагогические идеи индийского философа Ауробиндо Гхоша. Azimuth of Scientific Research: Pedagogy and Psychology. 2019. Т. 8. № 3(28)
4. Интегральная йога Шри Ауробиндо. М., 1992.